

12200

№ СРЮ-2071/VPN- СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил “5” *май*

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан _____-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиали директор ўринбосари А.Е. Хон (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фарматсевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги номидан *С. Каримов* (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи *Фуқо* (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фойз** миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фойз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Жами олдиндан тўлов миқдори: 1 500 000,00 (Бир миллион беш юз минг) сўм, шу жумладан 15% ҚҚС миқдорида

Шартноманинг умумий миқдори(ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 2022 йил “01” Январдан 2022 йил “31” Мартгача 4 140 000,00 (Тўрт миллион бир юз қирк минг) сўм 15% ҚҚС миқдорида, ундан бир маротабалик уланиш учун рўйхатга олиш тўлови 120 000,00 (Бир юз йигирма минг сўм), ойлик абонент тўлови 1 380 000,00 (Бир миллион уч юз саксон минг) сўм 15% ҚҚС миқдорида

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қодалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилмаган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солиш чоралари билан мажбуриятлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қодаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний қодалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва

05.01

2022 йилдаги № СРЮ-2071/VPN-сонли абонент шартномаси

1-илова

Хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар

№	Хизматлар рўйхати	ҚҚС билан нарх (қиймат)	миқдор	Ойлик тўлов миқдори, ҚҚС билан, сўм
1	2	3	4	5
1. Бир марталик тўловлар				
1.1	Ҳар бир уланиш нуқтаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови	60 000,00	2	120 000,00
2. Ойлик абонент тўловлари				
2.1	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш учун абонент тўлови Логин: V00004590634 V00004294698 V00004114343 V00004076574 V00003873085 V00003872906 V00003680296	130 000,00	7	910 000,00
	20 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш учун абонент тўлови Логин: V00004066874	210 000,00	1	210 000,00
2.2	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш учун абонент тўлови Логин: V00004753785 V00004728199	130 000,00	2	260 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)			1 500 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори: 1 500 000,00 (Бир миллион беш юз минг) сўм, шу жумладан 15% ҚҚС миқдорида

Шартноманинг умумий миқдори(ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 2022 йил "01" Январдан 2022 йил "31" Мартгача 4 140 000,00 (Тўрт миллион бир юз қирқ минг) сўм 15% ҚҚС миқдорида, ундан бир марталик уланиш учун рўйхатга олиш тўлови 120 000,00 (Бир юз йигирма минг сўм), ойлик абонент тўлови 1 380 000,00 (Бир миллион уч юз саксон минг) сўм 15% ҚҚС миқдорида

"Ўзбектелеком" АК номидан:
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали
Директор ўринбосари

Абонент номидан:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ҳузуридаги Фарматсевтика тармоғини
ривожлантириш агентлиги
Абонент номидан:



А.Е. Хон



Ф.И.Ш.

Юрсеит Амиров

Далолатнома
 Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш
 телекоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди
 "05" 01 2022 йилдаги № СРЮ-2071/VPN

№	Хизматлар рўйхати	Сана	Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси
1	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш Логин: V00004590634	« » _____ 2022йил .	Бажарилди
2	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш Логин: V00004294698	« » _____ 2022йил .	Бажарилди
3	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш Логин: V00004114343	« » _____ 2022йил .	Бажарилди
4	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш Логин: V00004076574	« » _____ 2022йил .	Бажарилди
5	20 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш Логин: V00004066874	« » _____ 2022йил .	Бажарилди
6	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш Логин: V00003873085	« » _____ 2022йил .	Бажарилди
7	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш Логин: V00003872906	« » _____ 2022йил .	Бажарилди
8	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш Логин: V00003680296	« » _____ 2022йил .	Бажарилди
9	2 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш (Сурхондарё вилояти) V00004728199	« » _____ 2022йил .	Бажарилди
10	20 Мбит /с тезликда VPN маълумотлар тармоғига кириш (Қашқадарё вилояти) V00004753785	« » _____ 2022йил .	Бажарилди

"Ўзбектелеком" АК номидан:
 «Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Абонент номидан:
 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
 вазирлиги ҳузуридаги Фарматсевтика тармоғини
 ривожлантириш агентлиги

Директор ўринбосари

Абонент номидан:



 А.Е. Хон
 ИМЗО/
 м.ў.




 Ф.И.Ш.
 ИМЗО/
 м.ў.


Юрифт Амишберова р/д